

## Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «[Алоқа тўғрисида](#)», «[Телекоммуникациялар тўғрисида](#)», «[Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида](#)»ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва телекоммуникациялар соҳасида лицензиялаш тартибини, лицензия талаблари ва шартларини белгилаб беради.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Телекоммуникациялар соҳасида юридик шахслар фаолияти турларини лицензиялашни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб юритилади) амалга оширади.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 июндаги 171-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 26-сон, 338-модда)*

3. Телекоммуникациялар қуйидаги турларининг, яъни:  
маҳаллий тармоқлар;  
шаҳарлараро тармоқлар;  
халқаро тармоқлар;  
кўчма радиотелефон алоқа тармоқлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(3-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли [қарорига](#) асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)*

маълумотлар узатиш тармоқлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши\*, улардан фойдаланиш\*\* ва уларнинг хизматлар кўрсатиши лицензияланиши шарт.

\* Қурилиш, шунингдек, телекоммуникациялар тармоқларини реконструкция қилиш (кенгайтириш, қайта жиҳозлаш) билан боғлиқ ишларни ҳам ўз ичига олади.

\*\* Фойдаланиш, шунингдек, телекоммуникациялар тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ишларини ҳам ўз ичига олади.

*(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарорига](#) асосан ҳаволалар билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)нинг телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириши тақиқланади.

*(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

5. Агар:

телекўрсатувнинг кабель тармоғи ва радиоэшиттиришнинг симли тармоғи бир муассаса, ўқув юрти ёки саноат корхонаси биноси ва ҳудуди билан чекланган ёхуд абонентларнинг умумий сони 10 тадан ортиқ бўлмаса;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

юридик шахс маҳаллий, шаҳарлараро алоқа хизматлари кўрсатса, шунингдек дўкончалар, лавкалар, дўконлар, барлар, ресторанлар, дорихоналар, ўйин комплекслари, санаторийларда, автомобиль бош йўллари бўйида маҳаллий тармоқлар операторлари

томонидан ажратилган телефон рақамларидан халқаро телефон сўзлашувлари хизматлари кўрсатса (алоқанинг таксофон хизматлари) ва факс бўйича ахборотни жўнатса (ва қабул қилса);

*(5-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

фаолият аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳамда кутқариш ва авария-тузатиш ишларини талаб этувчи табиий офатлар, эпидемиялар, йирик ҳалокатлар оқибатларини тугатиш билан, шунингдек фақат давлат бошқаруви, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғини ташкил этиш ва уларнинг ишлаши билан боғлиқ бўлса, лицензия олиш талаб этилмайди.

Олдинги таҳрирге қаранг.

телекоммуникациялар тармоқларидан (маҳаллий, радиотелефон, маълумотлар узатиш) телекоммуникациялар хизматлари кўрсатмасдан фақат ишлаб чиқариш-технология мақсадларида фойдаланилади.

*(5-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)*

Олдинги таҳрирге қаранг.

Маҳаллий тармоқлар операторлари томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, телекоммуникациялар операторлари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширадilar.

*(5-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

## II. Лицензиялар

6. Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензиялар намунавий (оддий) ёки якка тартибдаги лицензиялар бўлиши мумкин.

Олдинги таҳрирге қаранг.

Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига телекоммуникациялар соҳасида ягона шартлар ва талаблар асосида фаолиятни амалга оширишга чекланмаган доирадаги юридик шахсларга бериладиган лицензиялар киради.

*(6-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

Олдинги таҳрирге қаранг.

Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар аниқ шароитларга қараб миқдори, муддати, амал қилиш ҳудуди, фаолият объектига кўра чекланади. Бунда якка тартибдаги лицензияларнинг амал қилиш муддати 5 йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

*(6-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

Олдинги таҳрирге қаранг.

7. Якка тартибдаги лицензиялар маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро тармоқлар, кўчма радиотелефон алоқа, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга берилди.

*(7-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)*

Халқаро тармоқлар лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва телекоммуникациялар хизматлари кўрсатишга якка тартибдаги лицензия биринчи марта

фақат битта даъвогарга берилади, унинг амал қилиш муддати тамом бўлгач фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишга якка тартибдаги лицензиялар бошқа даъвогарларга ҳам берилиши мумкин.

Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятнинг айрим турларига якка тартибдаги лицензиялар бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилиши мумкин. Танловлар (тендерлар) ўтказиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Танловлар (тендерлар) ўтказиш шартлари, тендер таклифларини кўриб чиқиш муддатлари, малака талаблари, лицензия талаблари лойиҳалари ва лицензия бериш учун даъвогарларни танлаш шартлари, мезонлари матбуотда эълон қилинади.

8. Лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади. Лицензия даъвогарининг аризасига мувофиқ лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9. Амалга оширилиши учун лицензия олинган фаолият тури фақат лицензияни олган юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

*(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

10. Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11. Маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро тармоқлар, кўчма радиотелефон алоқа, тармоқлар лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва коммуникациялар хизматлари кўрсатишга лицензиялар 15 йилгача бўлган муддатга, бироқ камида 5 йил муддатга берилади. Бунда халқаро тармоқларини лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва телекоммуникациялар хизматлари кўрсатишга мазкур Низомга мувофиқ биринчи марта берилган якка тартибдаги лицензиянинг амал қилиш муддати 5 йилдан ортиқ бўлмайди.

*(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)*

12. Маълумотларни узатиш тармоқлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва улар хизматларини кўрсатишга ҳамда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция ва ретрансляция қилиш)га лицензия 5 йил муддатга берилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(13-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

### **III. Лицензиялар бериш**

14. Лицензия олиш учун лицензия даъвогари лицензияловчи органга куйидагиларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида белгиланган шакл бўйича ариза, унда:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами зарурат бўлганда электрон манзили (**1-илова**);

*(14-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(14-банднинг «а» кичик банди учинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарорига](#) асосан чиқариб ташланган — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаган фаолиятнинг лицензияланаётган тури (унинг бир қисми) ҳамда фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилади;

*(14-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

б) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

*(14-банднинг «б» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

в) лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқиши учун лицензия даъвогари энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

*(14-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

*(14-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарорига](#) асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

д) куйидагилар:

телекоммуникациялар тармоқларини ишлатиш ва (ёки) улар хизматларини кўрсатиш учун лицензия олишда — телекоммуникациялар асосий техник воситаларининг (мулк ҳуқуқида ёки бошқа қонуний асосда мавжуд бўлган) тавсифи, радиочастоталарнинг диапазонлари ва номиналлари (улардан фойдаланишда) кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхати;

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш учун лицензия олишда — лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник воситалар (мулк ҳуқуқида ёки бошқа қонуний асосда мавжуд бўлган) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати.

*(14-банднинг «д» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 апрелдаги 122-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 18-сон, 223-модда)*

е) тармоқни ташкил этиш режаси ва ривожлантириш прогнози, белгиланган шакл бўйича бажариладиган ишларга қараб бошқа зарур маълумотлар (абонентлар, шаҳарлараро портлар, халқаро станциялар, маълумотларни узатиш тизимлари ва тармоқлари, қоплаш зоналари сони ва телекоммуникацияларнинг аниқ тармоқлари ёки иншоотлари учун бошқа параметрлар);

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

ж) лицензия талабгори томонидан телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларига лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартлар бажарилиши имкониятини тасдиқловчи ҳужжатлар:

*(14-банд «ж» кичик бандининг биринчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 апрелдаги 122-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 18-сон, 223-модда)*

*[Олдинги тахрирга қаранг.](#)*

*(14-банднинг «ж» кичик банди иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарорига](#) асосан чиқариб ташланган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

санитария, ёнғин нормалари ва объектни қўриқлаш талабларига мувофиқлик тўғрисида тегишли органларнинг хулосаси;

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталаридан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш бўйича органларнинг берилган частоталардан фойдаланиш имконияти, узатувчи қурилмалар қуввати тўғрисидаги маълумотлар (радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга лицензия олишда);

*(14-банднинг «ж» кичик банди тўртинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

бошқа шахсга тегишли асбоб-ускунадан фойдаланиш мўлжалланаётган тақдирда ушбу асбоб-ускуна ижарага олинганлиги (фойдаланилганлиги)ни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Тасдиқлаш шартнома ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этиш тарзида бўлиши мумкин;

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш учун лицензия олишда — олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг, телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш бўйича мутахассислар меҳнат дафтарчасининг нусхалари.

*(14-банднинг «ж» кичик банди бешинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

*(14-банднинг «з» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарорига](#) асосан чиқариб ташланган — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқсиз маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, маълумотларни узатиш операторлари тармоғи орқали провайдер хизматлари кўрсатишга лицензия олишда мазкур банднинг [«г»](#), [«д»](#) ва [«е»](#) кичик бандларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмайди.

*(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарорига](#) асосан хатбоиши билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан учинчи мамлакатларга хорижий теле ва радио станцияларнинг дастурларини ретрансляция қилиш учун лицензия бериш тўғрисида ариза берилганда халқаро битимларнинг тегишли шартларига мувофиқ қўшимча ҳужжатлар талаб этилади.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

16. Ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга бевосита, почта алоқа воситаси ёки ахборот тизимлари орқали электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарномани олган ҳолда, тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия даъвогарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

*(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда)*

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

17. Лицензия олиш учун лицензияловчи органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича масъул шахс (эксперт комиссияси котиби) томонидан қабул қилинади, уларнинг нусхалари ҳужжатлар кўрсатиб ўтилган орган томонидан қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).

*(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

18. Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлик учун лицензия даъвогари қонунга мувофиқ жавоб беради.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19. Лицензияловчи орган томонидан лицензия даъвогарининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

*(19-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

Лицензия даъвогарларининг аризаларини кўриб чиққанлик учун йиғим суммалари лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия даъвогари берган аризасидан воз кечган ёки лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

20. Лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни лицензияловчи орган барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда лицензия даъвогарининг аризаси олинган кундан бошлаб йигирма кундан кечикмай қабул қилади.

*(20-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш ва улар бўйича хулоса тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилади, лицензиялаш масалалари унинг функционал вазифаларига киради. Эксперт комиссияси таркибига телекоммуникациялар техникаси ва технологияси, юриспруденция, радиочастота спекторидан фойдаланиш, бозор қайта ўзгартиришлари, телекоммуникациялар соҳасида назорат органи, Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар киритилади. Эксперт комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси бир ойда камида бир марта мажлис ўтказиши.

*(20-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 июндаги 171-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 26-сон, 338-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Эксперт комиссияси лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси олинган кундан бошлаб 15 кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва Телекоммуникациялар соҳасида тегишли фаолият турлари бўйича оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосасини ҳисобга олган ҳолда улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги эксперт хулосасини тайёрлайди.

*(20-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

*(20-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

Лицензияловчи орган зарурият бўлганда тегишли хулосалар тайёрлаш учун экспертларни ўз маблағлари ҳисобига шартнома асосида жалб этишга ҳақлидир.

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мазкур Низомга [4-иловага](#) мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

*(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

21. Лицензияловчи орган лицензия даъвогарини қабул қилинган қарор тўғрисида банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма шаклда почта алоқаси ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали хабардор қилади.

*(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

22. Лицензиялар лицензия талабгори томонидан давлат божи тўлангандан ҳамда лицензия талабгори ва лицензияловчи орган томонидан лицензия битими имзолангандан кейин бир кун муддатда берилади.

*(22-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

23. Агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса, лицензияловчи орган мазкур лицензияни бекор қилишга ҳақли.

24. Лицензия лицензиатларни телекоммуникациялар воситалари лойihalаштирилиши, қурилиши ва улардан фойдаланиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича амалдаги қоидаларда назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатлар олиш мажбуриятидан озод этмайди.

25. Лицензия бериш ёки лицензиянинг амал қилиш муддати узайтирилиши рад этилишининг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

лицензия даъвогарининг ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

лицензия даъвогари тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек танлов (тендер) шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

26. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, почта алоқаси, ёхуд ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали рад этишнинг сабаблари ва лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такрор тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

*(26-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан бирга олган кундан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда амалга оширилади. Аризаларнинг такрорий кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорларидан йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини такрорий кўриб чиқишда лицензия беришнинг лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги билдиришномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

Лицензия беришнинг рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

*(26-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли қарорига асосан иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 44-сон, 507-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Эксперт комиссияси олти кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосасини тайёрлайди.

Лицензияловчи орган тўрт кун муддатда эксперт комиссиясининг хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

*(26-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

27. Лицензия даъвогари лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади (**3-илова**). Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари лицензияловчи органнинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензияловчи органнинг раҳбари лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

*(28-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

29. Амал қилиш муддати тамом бўлмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига даъвогарнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Бунда лицензиат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши, шунингдек лицензияловчи органга ушбу эълонни тақдим этиши шарт.

Лицензия дубликати берилганлиги учун лицензия бериш тўғрисида лицензия даъвогарининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

30. Лицензиялар, лицензия битимлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан имзоланади.

*(30-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 июндаги 171-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 26-сон, 338-модда)*

#### **IV. Лицензия талаблари ва шартлари**

31. Фаолиятнинг тегишли турларига лицензия талаблари ва шартларида уларнинг хусусиятига боғлиқ равишда яқка тартибдаги ва намунавий лицензиялар учун умумий бўлган қуйидаги асосий маълумотлар, тавсифлар, талаблар ва шартлар бўлиши керак:

лицензия доирасида амалга оширишга руҳсат бериладиган телекоммуникациялар соҳасидаги фаолият турлари;

лицензиат томонидан қонун ҳужжатларига риоя этилиши;



лицензияланадиган фаолиятни амалга оширишга рухсат этиладиган худуд чегараси;

асосий асбоб-ускуна ва иншоотларнинг техник тавсифлари;

радиочастоталарнинг ажратилган номиналлари ёки полосалари (телевизион каналларнинг номерлари, кўчма радио алоқа ва симсиз фойдаланиш стандартларининг номи ва бошқалар);

тармоқларни ривожлантиришни ташкил этиш режаси ва прогнози;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда телекоммуникацияларнинг техник воситаларини сертификациялашни таъминлаш;

кўрсатиладиган хизматларнинг белгиланган сифат меъёрларини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя қилиш;

тармоқларро кўшилишларни ташкил этиш, бошқа операторлар ва провайдерларга ўз тармоғидан фойдаланиш, шунингдек улар ўртасида ўзаро-ҳисоб-китоб шартлари ва тартиби;

техник протоколлар ва тармоқларро кўшилишлар спецификацияларнинг номи, тармоқларни номерлаш режаси, телекоммуникациялар воситаларидан фойдаланиш тавсифлари;

давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари манфаатлари йўлида ва алоҳида муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказишда телекоммуникациялар воситалари ишларини таъминлаш бўйича махсус талаблар;

берилган номиналлар ёки радиочастоталар полосаларидан фойдаланиш тартиби;

[Олдинги тахрирга қаранг.](#)

хизматлар кўрсатиш шартлари, тарифлар ва ахборот маълумотларини мижозларга етказиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари лицензияловчи органнинг расмий веб-сайти орқали етказиш;

*(31-банднинг ўн бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли [қарори тахририда](#) — ЎР ҚХТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда)*

телефон орқали гаплашишлар, телеграф ва телекоммуникациялар тармоқлари бўйича бериладиган бошқа хабарларнинг махфийлигини, ахборот хавфсизлигини, шу жумладан телекоммуникациялар объектлари ва иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш;

фавқулодда ҳолатларда, шунингдек оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш бўйича телекоммуникациялар тармоқларини тайёрлаб қўйиш ва уларни ишлатиш;

умумдавлат вазибаларини ҳал этиш учун телекоммуникацияларни ривожлантиришнинг миллий дастурларини амалга оширишда лицензиатнинг иштирок этиши;

атроф муҳитни ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши хавфсизлик ва саноат санитарияси;

телекоммуникациялар тармоқлари, иншоотлари ва объектларини лойиҳалаш ва қуриш;

фаолиятни бошлаш ва хизматлар кўрсатиш шартлари ва муддати;

оператив-техник бошқарув тизими билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

лицензияланадиган фаолият тўғрисидаги маълумотларни лицензияловчи ва назорат қилувчи органга бериш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишда имтиёзлар ва афзалликлар бериш;

[Олдинги тахрирга қаранг.](#)

телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) ва маълумотларни узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтиш.

*(31-банднинг йигирма бешинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш учун лицензия олишда — юридик шахс штатида телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича камида беш йил иш стажига, олий техник маълумотга эга бўлган камида уч нафар мутахассиснинг мавжуд бўлиши;

қурилиш меъёрлари ва нормаларига, идоравий техник лойиҳалаштириш меъёрларига риоя қилиш;

*(31-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарорига асосан йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи хатбоииси билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2009 й., 18-сон, 223-модда)*

Якка тартибдаги лицензияларда қўшимча равишда қуйидаги мажбурий талаблар ва шартлар бўлиши керак:

лицензиатлар томонидан қишлоқ жойлардаги, аҳоли сийрак ва бориш қийин бўлган туманлардаги фойдаланувчилар учун мажбурий равишда кўрсатиладиган хизматларнинг номи;

белгиланган тарифлар бўйича, шу жумладан қишлоқ жойларда, аҳоли сийрак ва бориш қийин бўлган туманларда универсал хизматлар кўрсатилишини таъминлаш;

умумий фойдаланиладиган телекоммуникациялар тармоқларига адолатлилик ва камситмаслик асосида рухсат бериш;

умумий фойдаланиладиган телекоммуникация тармоғини ривожлантириш режаси прогнози (белгиланган ҳудудни қамраб олиш, узатувчи аппарат қувватини ва абонентлар сонини кўпайтириш ва бошқалар).

Лицензия талаблари ва шартлари фаолиятнинг лицензияланаётган турининг хусусиятига қараб бошқа маълумот, талаб ва шартларни ўз ичига олади.

## **V. Лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни қайта расмийлаштириш**

32. Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига биноан узайтирилиши мумкин.

33. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой олдин берилиши лозим.

34. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади ва лицензиат йиғимлар ва давлат божларининг белгиланган миқдорида тегишлича ҳақ тўлайди.

35. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш илгари берилган лицензия бланкасига махсус белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Бунда лицензия шартномасининг амал қилиш муддати ўз-ўзидан худди шу муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятга берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия талаблари ва шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга олиб келмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

36. Лицензиат – юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган ўрни (почта манзили) ўзгарган ҳолларда лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан сўнг бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида лицензияловчи органга ариза бериши шарт.

*(36-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

Олдинги тахрирге қаранг.

*(36-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарорига](#) асосан чиқариб ташланган — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

Олдинги тахрирге қаранг.

37. Хужжатлар лицензиат томонидан лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси, ёхуд ахборот тизимлари орқали электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарномани олган ҳолда тақдим этилади.

*(37-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда)*

Олдинги тахрирге қаранг.

38. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

*(38-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

39. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани олган кундан бошлаб беш кун ичида амалга оширилади.

40. Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензия даъвогарининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

## **VI. Давлат божини тўлаш**

41. Лицензия берганлик ва лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун давлат божи ундирилади.

Олдинги тахрирге қаранг.

Телекоммуникациялар соҳасидаги давлат божи лицензияни олиш билан бир вақтда ёхуд ҳар йили тенг улушларда тўланади, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(41-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

42. Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияларни берганлик учун давлат божи лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади ва улар қуйидагича тақсимланади:

Олдинги тахрирге қаранг.

50 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади ва улардан қишлоқ жойларда телекоммуникацияларни ривожлантириш ва универсал хизматлар кўрсатишда кўрилган зарарларни қоплаш учун фойдаланилади;

*(42-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2002 й., 17-18-сон, 139-модда)*

Олдинги тахрирге қаранг.

*(42-банднинг учинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли [қарорига](#) асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 52-сон, 587-модда)*

Олдинги тахрирге қаранг.

50 фоизи — давлат бюджетига йўналтирилади.

*(42-банднинг учинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 52-сон, 587-модда)*

## **VII. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

Олдинги тахрирге қаранг.

43. Лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — назорат қилувчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

*(43-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 августдаги 233-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 34-сон, 458-модда)*

44. Назорат қилувчи орган ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

лицензиатлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширувлар ўтказиш;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган ҳолларда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширувлар ўтказиш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан текширувлар ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни талаб қилиш ва олиш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

текширувлар натижалари, Телекоммуникациялар соҳасида тегишли фаолият турлари бўйича оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосалари асосида лицензиат йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларининг аниқ қоидабузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

*(44-банднинг бешинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 августдаги 200-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 32-33-сон, 255-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, шу жумладан Телекоммуникациялар соҳасида тегишли фаолият турлари бўйича оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосаси асосида бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

*(44-банднинг олтинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 августдаги 200-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 32-33-сон, 255-модда)*

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифни лицензияловчи органнинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлашган тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензия берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар қиладилар.

## **VIII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

45. Лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини қуйидаги ҳолларда ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин:

*(45-банднинг биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда, шу жумладан, телекўрсатув, радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) ва маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги давлат рўйхатидан ўтган муддат тугаганда;

*(45-банднинг иккинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

назорат қилувчи органнинг лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи ёзма кўрсатмалари лицензиат томонидан бажарилмаганда;

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

*(45-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли қарорига мувофиқ чиқариб ташилган — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади.

*(45-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарорига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

46. Лицензияни тўхтатиб туриш учун асослар аниқланганда лицензияловчи ёки назорат қилувчи орган қоидабузилишларини бартараф этиш учун лицензиатга ёзма кўрсатма беради. Агар лицензиат ёзма кўрсатма олгандан сўнг белгиланган муддат мобайнида қоидабузилишларни бартараф этмаса, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга ёки лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилади, тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқаради.

*(46-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

47. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ёзма шаклда почта алоқаси, ёхуд ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини кўллаш орқали, асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

*(47-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

48. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиат бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турган лицензияловчи орган кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

*(48-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

## **IX. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш**

49. Лицензиянинг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

юридик шахс тугатилганда — тугатилган вақтдан бошлаб ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган вақтдан бошлаб, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

*(49-банднинг тўртинчи-бешинчи хатбоишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарори](#)га асосан чиқариб ташланган — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

лицензиат лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни лицензияловчи ёки назорат қилувчи орган ёхуд суд белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

*(49-банднинг бешинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга зидлиги аниқланганда;

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатилганда.

*(49-банднинг тўққизинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 413-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2003 й., 17-18-сон, 158-модда)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

Лицензиянинг амал қилиши ушбу банднинг [тўртинчи—олтинчи](#) хатбоишида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига кўра, бошқа ҳолларда эса лицензияловчи органнинг қарорига кўра тўхтатилади.

*(49-банднинг саккизинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

50. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори ёзма шаклда, почта алоқаси ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали, асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

*(50-банднинг биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб тўхтатилади.

*(50-банднинг биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

51. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **Х. Лицензияни бекор қилиш**

*Олдинги таҳрирге қаранг.*

52. Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:  
ушбу Низомнинг [23-бандида](#) назарда тутилган ҳолатда;  
лицензиатнинг аризаси бўйича;

лицензия сохта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензия ушбу банднинг [тўртинчи хатбошида](#) назарда тутилган ҳолларда суд қарорига кўра, бошқа ҳолларда эса лицензияловчи органнинг қарорига кўра бекор қилинади.

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори ёзма шаклда, почта алоқаси ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали асосли сабаби кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қонун хужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензиат томонидан олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида лицензия лицензияловчи органга ва йўқ қилиш учун қайтарилади.

*(52-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 31-сон, 380-модда)*

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

*(52-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)*

53. Лицензияловчи органнинг бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **XI. Лицензиялар реестрини юритиш**

54. Лицензияловчи орган фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензиялар реестрини юритади.

55. Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилади:

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

лицензиат – юридик шахснинг номи ва унинг жойлашган ўрни (почта манзили);

*(55-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

телефон (факс) рақами;

банкдаги ҳисоб рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ва саналари;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва саналари;

лицензияларни бекор қилиш асослари ва саналари.

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

56. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

*(56-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли [қарори](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

*(57-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли [қарорига](#) асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

*(58-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли [қарорига](#) асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

*(59-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 26-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 6-сон, 57-модда)*

## **ХП. Лицензияловчи ва назорат қилувчи органнинг қарорлари устидан шикоят қилиш**

60. Лицензияловчи органнинг қарори устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Назорат қилувчи органнинг қарори устидан лицензияловчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида [Низомга 1-ИЛОВА](#)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига

\_\_\_\_\_ ни амалга ошириш  
(фаолият тури ёки фаолият қисмининг номи)

**ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун  
Ариза**

1. Аризачи юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

2. Фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш муддати

\_\_\_\_\_

3. Банкнинг номи \_\_\_\_\_

Банк ҳисоб рақами \_\_\_\_\_

ФА (филиаллараро айланмалар)

4. Почта манзили

5. Телефон \_\_\_\_\_, факс, зарурат бўлганда, электрон манзил \_\_\_\_\_

6. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

6.1.

6.2.

М.Ў.

**Раҳбар**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(сана)

*(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда)*

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида [Низомга 2-ИЛОВА](#)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2005 й., 27-сон, 190-модда)*

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида [Низомга 3-ИЛОВА](#)



*Олдинги тахрирга қаранг.*

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT  
TEKNOLOGIYALARI VA  
KOMMUNIKASIYALARINI  
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**



**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ПО  
РАЗВИТИЮ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ И  
КОММУНИКАЦИЙ**

**LITSENZIYA  
ЛИЦЕНЗИЯ**

**РТ №**

Litsenziya turi \_\_\_\_\_

Вид лицензии

Berilgan sana \_\_\_\_\_

Дата выдачи

Litsenziyaning amal qilish muddati: \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha

Срок действия лицензии \_\_\_\_\_ с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_

Litsenziyatning nomi \_\_\_\_\_

Наименование Лицензиата

**USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIAT KORSATISHGA RUXSAT ETILADI:**

**НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**ILOVA QILINGAN LITSENZIYA TALABLARI VA SHARTLARIGA MUVOFIQ**

**В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМИ ЛИЦЕНЗИОННЫМИ  
ТРЕБОВАНИЯМИ И УСЛОВИЯМИ**

М. О'.

**Rahbarning imzosi:**

М. П.

**Подпись  
руководителя**

Litsenziyaning amal qilish muddati: \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi

Срок действия лицензии продлен: с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_

М. О'.

**Rahbarning imzosi:**

М. П.

**Подпись  
руководителя**

Litsenziyaning amal qilish muddati: \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi

Срок действия лицензии продлен: с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_

М. О'.

**Rahbarning imzosi:**

М. П.

**Подпись  
руководителя**

(Ilova qilingan litsensya talablari va shartlari mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)

(Прилагаемые лицензионные требования и условия являются неотъемлемой частью настоящей лицензии)

*(3-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 июндаги 171-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 26-сон, 338-модда)*

*Олдинги тахрирге қаранг.*

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми  
4-ИЛОВА

**Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш  
СХЕМАСИ**

*Олдинги тахрирге қаранг.*

**Босқичлар****Субъектлар****Тадбирлар****1-босқич****Лицензия талабгори — юридик шахс**

1. Вазирлар Маъжамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди.
2. Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига бевосита ёхуд унинг тўғрисида билдиришнома билан почта алоқаси ёки ахборот технологиялари воситаларини қўллаш орқали электрон шаклда тақдим қилилади.

**2-босқич****Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги**

1. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар масъульлик комиссияси (котиби) томонидан рўйхат бўйича қабул қилинган ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кўриб чиқилади (топширилади).
2. Ҳужжатларни кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга киритилади.
3. Такроран тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун киритилади.

**3-босқич****Эксперт комиссияси**

1. Тушган аризалар ва ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича ҳужжатларнинг ёки беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосалар тайёрлайди.
2. Лицензия талабгори томонидан лицензия беришни рад қилинган сабаблар бартараф этилгандан кейин такроран тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди.

**4-босқич****Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги**

1. Эксперт хулосалар асосида лицензия бериш ёки беришни рад қилиш қарор қабул қилади.
2. Лицензия талабгорини лицензия бериш тўғрисида қабул қилинган хулосада ёки ахборот тизимлари орқали электрон шаклда хабардор қилилади. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда билдиришнома рақами реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган тартибда беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда билдиришнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатилган бартараф этиб ҳужжатларни қайта тақдим этиши учун етарли ҳужжатлар кўрсатилган ёзма равишда ёки ахборот тизимлари орқали билдиришнома юборилади (топширилади).
3. Лицензиялар реестрига тегишли ёзувни ёзиб қўяди.

**5-босқич****Лицензиат****Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги**

*(4-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон [қарорига](#)  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган**

#### **ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат пошлиnasi миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 19 февралдаги 89-сон қарорига илова эслатмаси [биринчи хат бошининг](#) почта ва телекоммуникацияларга оид қисми (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997й., 2-сон, 6-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 215-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2004 й., 19-сон, 220-модда)*

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарори 7-бандининг [учинчи хат боши](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998й., 7-сон, 26-модда) куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2001 йил 1 январдан бошлаб телерадиодастурларни тарқатиш (трансляция, ретрансляция қилиш) ва маълумотларни узатиш учун лицензиялар беш йил муддатга берилади».

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон [қарорига](#)  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган қарорларининг**

#### **РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 19 апрелдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналар (ташкilotлар)га фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартиби тўғрисида Низомнинг [II бўлими](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994й., 4-сон, 23-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тўғрисидаги ҳамда Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 28 августдаги 420-сон қарорига [1-илова](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997й., 8-сон, 30-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 августдаги 420-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1998 йил 19 августдаги 354-сон [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998й., 8-сон, 30-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарорига илова II бўлимининг [2-банди](#).